

ПЕНСИЯ МИҚДОРЛАРИ ИНФЛЯЦИЯ ДАРАЖАСИГА МУВОФИҚ ИНДЕКСАТСИЯ ҚИЛИНАДИ

Ҳужжат билан «Ижара то'ғ'рисида» ги қонунга ижарачининг ногирон бо'либ қолганлиги ижара шартномасини тугатиш учун асос бо'лишини бекор қилишни назарда тутувчи о'згартиришлар киритилди.

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти то'ғ'рисида» ги Қонунга киритилган о'згартиришга ко'ра, пенсионерга ҳисобланган, лекин унинг томонидан талаб қилиб олинмаган пенсия суммасини то'лаш муддати 12 ойдан 24 ойгача узайтирилди.

Шунингдек фуқароларга пенсия тайинлаш учун давлат хизматлари марказлари ёки ЯИДХП (мй.гов.уз) орқали мурожаат қилиш ҳуқуқи берилди.

Бундан ташқари, қонунда пенсиянинг энг кам миқдори энг кам истеъмол харажатлари даражасидан оз бо'лмаслигини белгилаш, пенсиялар миқдорларини йил давомида товарлар ва хизматларнинг истеъмол нархлари индекси даражасининг о'сиш суръатларини инобатга олган ҳолда ошириб бориш тартиби аниқлаштирилди.

Шу билан бирга «Фуқароларнинг жамг'ариб бориладиган пенсия таъминоти то'ғ'рисида» ги Қонунга фуқарода давлат пенсия таъминоти ҳуқуқи юзага келганлиги то'ғ'рисида Пенсия жамг'армаси томонидан Халқ банкига ахборот тизими орқали электрон шаклда юбориладиган маълумотлар фуқаронинг пенсия то'ловларини олиши учун асос бо'лишини назарда тутувчи о'згартиришлар киритилди.

Шеробод тумани адлия бўлими ЮХКМ бошлиғи Б.Т.Улашев